

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA

ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ

РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА

ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Виза режимидаги либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармогини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармогини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосининг номуқаммаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек, чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ

РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД

ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Туризм тармогини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини (кейинги ўринларда – меҳмонхоналар) қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, республикада меҳмонхона ҳўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
 - 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ;
 - меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;
 - замонавий ахборот технологиялари татбиқ этиладиган маданият объектилари ва муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Маданият объектилари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги вазифалар юқлансин:
 - маданият объектилари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича минимал талабларни белгилаш;

икки ой муддатда тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маданият объектилари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича энг яхши тақлифларини танлаб олиш ва улар билан шартномалар тузилишини таъминлаш;

2019 йил 1 июлга қадар 3-иловада кўрсатилган маданият объектилари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини ўрнатишни таъминлаш.

3. Шундай механизмлар жорий этилсинки, уларга мувофиқ:

- а) меҳмонхона қуриш учун ажратилган ер участкаси қурилиш тугаллангандан сўнг инвесторга мўл ҳуқуқи асосида сотилиши мумкин, моддий маданий мерос объектиларининг ҳудуди ва муҳофаза зонаси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги учун мўл-жалланган ер участкалари бундан мустасно;

б) 3 юлдузли тоифа учун 50 та хонадан кам бўлмаган ва 4 юлдузли тоифа учун 100 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга меҳмонхона 2022 йил 1 январгача фойдаланишга топширилган тақдирда, меҳмонхона тоифаси тасдиқланган, янги меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, инвесторлар харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан молиялаштириш миқдори қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар сони 50 мингтага еттунига қадар келгуси йил учун Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш жараёнида ушбу миқдорни ҳар йили индексация қилган ҳолда:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм;

4 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўмини ташкил қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Жиззах вилояти

Жиззахда вилоят ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ, Жиззах ҳарбий гарнизони, Мудофаага қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилоят кенгашилари ҳамкорлигида “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчидир!” шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.



Жамишд ЁРБЕКОВ (ўзА) олган суратлар.

Ҳарбий бўлиш орзумим янада мустаҳкамланди

Шароф Рашидов тумани Гандумтош қишлоғида ташкил этилган фестивалда мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговар салоҳиятини акс эттирувчи ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, қўтқарув анжомлари кўргазмаси намойиш этилди. Иштирокчилар замонавий ҳарбий техника ва қуролларни нафақат томоша қилди, балки баъзиларининг ишлатилиш тартиби билан ҳам танишди.

Фестиваль доирасида ёшларга-мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар, Ватан ҳимоячиси бўлишнинг шарафи ва масъулияти ҳақида кенг маълумот беришга қаратилган қатор маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

– Ҳарбий оркестр садолари остида аскарларнинг саф кўриги, буюк болапаримиз Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темури жанг санъати ҳақидаги саҳна кўринишлари биз ёшларни тўлқинлантириб юборди, – дейди Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зоҳид Отақулов.

– Аскарларнинг қўл жанги санъати, спортнинг ҳарбий-техник турлари бўйича кўргазмалар чиқишлар, халқимизнинг қадимий ва жанговар кўпқарилган ҳарбий бўлиш истагини янада мустаҳкамлади.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.



Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳридаги “Fortuna tekstil” корпораси жамоаси давлатимиз томонидан яратилган қўлалиқлардан оқилона фойдаланиб, юқори сифатли, рақобатбардор, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан хорижий давлатларга катта ҳажмда экспорт қилинмоқда.

“Fortuna tekstil” нинг харидоригир маҳсулотлари

– 2015 йилда иқтисодий инкирозга учраган “Helios Gullistan International” масъулият чекланган жамиятининг банк олдидagi қардорлигини қоплаш ҳисобига сармоя киритиб, мазкур корхонани қайта оёққа турғаздик, – дейди корхона раҳбари Шавкат Эшонқулов. – Бу ерда пахта толасини қайта ишлашни йўлга қўйди. Пировардидида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи ортди. Экспортга йўналтирилган маҳсулот яъни, ип-калава турини қўлайтиришга, бунинг натижасида эса янги иш ўринлари яратилган муваффақ бўлди.

Дарҳақиқат, “Fortuna tekstil” корхонасида замонавий русумдаги тўқимачилик

дастоқхлари бир маромда ишлаб турибди.

– Асосан пахта хомашисини қайта ишлаймиз, – дейди корхонанинг ип-калава ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Фарҳод Эгамов. – Корхонамизда 12 та ип йигирув машинаси бўлиб, ҳар бирида миндан зиёд урчук икки соат давомидида тинимсиз айланиб, маҳсулот йигиради. Йигирилган пахта ва урчуқларга ўралган яримтайёр маҳсулот, калавалаш машиналари орқали ип-калава, яъни, яримтайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. “Uster”, “Test” стандарт аппарати орқали кузатилиб, тайёр ҳолга келтирилган ҳар бир босқичдаги маҳсулотнинг намлиги, оғирлиги, сифати

қайта текширувдан ўтказилади. ISO 9001 талабларига ўла жавоб бера оладиган тайёр маҳсулотта корхонамиз ёрлиғи туширилиб, экспортга жўнатилади. Бунда асосий юмушлар Германияда ишлаб чиқарилган янги ва замонавий техникалар ёрдамида бажарилади.

Айни вақтда корхонада 250 нафар ишчи ишлайпти. Уларнинг 85 фоизини ёшлар ташкил қилади. Иш уч навбатда олиб борилиб, ишчи-хизматчилар учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Ошхона, дам олиш хонаси, ювиниш хонаси улар хизматига.

– 2017 йили корхонамизда 1992 тонна яъни, 22 миллиард

515 миллион сўмлик ип-калава, 1 миллиард 566 миллион сўмлик мато ишлаб чиқарган бўлсак, ўтган йили 29 миллиард 154 миллион сўмлик ип-калава ишлаб чиқардик. Маҳсулотларимизнинг катта қисминини экспорт қилаётган бўлсак, қолганини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказиб бераёлмиз, – дейди бош ҳисобчи Бахтиёр Ораққулов.

Хуллас, корхона иқтисодий ривожланишининг ойдин йўлига чиқиб олди. Бундай натижадан эса корхона таъсисчилари хурсанд. Улар яқин кунларда яна битта лойиҳани амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Хориждан янги турдаги замонавий ишлаб чиқариш линиясини олиб келиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини 3 минг тоннадан 6,5 минг тоннага етказиш устида бош қотиряпти. Ушбу лойиҳа амалга ошган, корхонада яна 250 та янги иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр маҳсулотнинг 50-60 фоизи шу ернинг ўзидида қайта ишланади ва тайёр маҳсулотга айланатирилади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА

НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР

ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ

ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ

МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ

ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-

ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган даврда мамлакатнинг суд-ҳуқуқ соҳасида чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва унинг нуфузини ошириш, судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлили профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлиб, кўп ресурс сарфлашни талаб этади, бу суд кадрларининг малакали захирасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек, бу борадаги ишларни ташкил этишга доир ёндашувлар ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминламагани ва замонавий талабларга жавоб бермагани;

учинчидан, судьяликка номзодларнинг стажировкасини уларни асосий иш жойидан ажратмаган ҳолда ташкил этишнинг самарасиз тизими улар томонидан зарур амалий кўникмаларни эгаллашни рағбатлантирмапти;

тўртинчидан, эскирган ўқув-услубий база ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз “қопилли фикрлаш”нинг шаклланишига олиб келмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

(Давоми 3-саҳифада)

Фарғона вилояти

Бундан бир неча йил илгари Фарғона вилоятида анорчиликка бугунгидай катта эътибор берилади, деса кўпчилик ишонмаган бўларди. Президентимизнинг 2017 йилги ташрифидан сўнг вилоятда соҳани ривожлантириш борасидаги ишларнинг янги даври бошланди. Бунгача анор асосан, аҳоли томорқасида етиштирилган бўлса, бугунга келиб, анорчилик алоҳида тадбиркорлик субъекти сифатида ривожланиб бормоқда. Табиийки, соҳа ривожлангани сайин унга бўлган талаб ортиши баробарида агрономлар, ишчилар, сувчилар, механизаторларни замон талаблари асосида ўқитиш, малакасини ошириш зарурати ҳам туғилди.



Фарғонада анорзорлар кенгайди

Асосий диққат-эътибор фақат пахтачиликка қаратилган йилларда анорчилик ҳақида гапириш қийин эди. Кўпчиликнинг дилидаги бу орзу истакни давлатимиз раҳбари 2017 йили вилоятга қилган ташрифидида рўёбга чиқарди. Анорчилик истиқболлари, келтириладиган даромади, қуриладиган қайта ишловчи корхоналари ва

маҳсулотнинг инсон саломатлигини тиклашдаги аҳамияти ҳақида жуда асосли фикрларни ўртага ташлади. Шу ерда ҳозир бўлган соҳа кишиларининг фикрлари билан қизиқилар. Анор зараркундаларига қарши курашувчи мутахассислар етиштириладиган илмий марказлар ташкил этиш зарурлиги ҳам айтилди.

Куванинг эски анорзорлари негизда инновацион гоёллар, илғор технологиялар асосида барпо этилган боғларда мўл ҳосил етиштирилди. Бу ёқда эса мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида катта-катта анорзорлар барпо этиш учун кенг қўламли ишлар бошланди.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса, туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташвиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Туризмни, авваламбор, ҳусусий секторда ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорига фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 2018 йил 28 декабрда қилган Мурожаатномасида билдирилган тақлифларни амалда таъбиқ этиш мақсадида ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйдагилар:

а) қуйдагиларни назарда тутувчи 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ:

туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ҳалқаро меъёру ва стандартларни имплементация қилиш;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қўлай туризм муҳитини яратиш;

транспорт логистикасини ривожлан-

тириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;

туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулотини ва хизматларини диверсификация қилиш;

республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Белгилансинки, Концепция ҳар йиллик алоҳида чора-тадбирлар режасини тасдиқлаган ҳолда унинг асосий йўналишлари ва мақсадли параметрларининг тегишли давр мобайнида бажарилишига қараб босқичма-босқич амалга оширилади;

б) 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли йил бўйича Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши аяқларини таҳлил қилиш ҳолда ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарорига асосан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Н.Арипов) қуйдагиларни таъминласин:

барча режалаштирилган чора-тадбирларнинг самарали ташкил этили-

ши, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича вазириликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Концепция ва Чора-тадбирлар режасининг вазириликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, ҳар чора-тадбирлар Фармоннинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига батафсил маълумот қилиб бериш;

хорижда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш ва хорижий туристларни жалб қилишга қаратилган қўшма тадбирларни ўтказиш бўйича "Йўл харитаси"ни ҳар йил тасдиқлаш;

ҳар йиллик Чора-тадбирлар режасининг бажарилишидан келиб чиқиб, лозим бўлганда, Концепция параметрларига ўзгартириш киритиш.

3. 2019 йил 1 февралдан бошлаб 3-иловага мувофиқ мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қирған кундан эътиборан 30 кунлик муддатта визасиз режим белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг қуйдаги тақлифларига розилик берилсин:

а) 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатини 4-иловага мувофиқ кенгайтириш;

б) 2019 йил 15 мартдан бошлаб 30 кунлик амал қилиш муддати бўлган электрон кириш визасининг қуйдаги турларини бериш тизимини жорий этиш:

икки марталик, консуллик йўғими 35 АҚШ доллари миқдорига;

кўп марталик, консуллик йўғими 50 АҚШ доллари миқдорига;

в) Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун 5-иловага мувофиқ қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини

беришни жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) визалари тоифаларини жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

5. 6-иловага мувофиқ хорижий мамлакатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи тақдим этилсин.

Белгилансинки, ушбу ҳуқуқ: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида – 400 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида – 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида – 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда кўчмас мулкни сотиб олган тақдирда берилсин.

6. Ўзбекистоннинг логистика жозибадорлигини тубдан яхшилаш, шунингдек, маҳаллий аэропортларда парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) 7-иловага мувофиқ тарихида ташкил этилсин.

Қуйдагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

биринчи навбатда Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланиши, ташилладиган йўловчилар сонини ва инвестицияларни қўлайлаштириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш;

"зигерат" туризми йўналиши орқали туристлар оқимини ошириш, шу жумладан, Индонезиядан доимий авиақатновларни очиб шу учун авиакомпанияларни жалб қилиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш;

туристлар оқимини жалб қилиш мақ-

садида парвозларнинг стратегик муҳим йўналишларини аниқлаш;

мамлакат аэропортларида янги йўналишларни йўлга қўйиш мақсадида хорижий ташувчилар учун мослашувчан чегирма ва преференциялар тизимини ишлаб чиқиш;

ўзаро боғловчи қатновларни, шу жумладан, "мавсумдан ташқари" даврда ташкил этиш орқали узоқ магистрал йўналишларда йўловчилар сонини қўлайлаштириш;

хорижий ва маҳаллий авиакомпаниялар билан музокаралар ўтказиш, шунингдек, уларнинг тақлифларини қўриб чиқиш ва уларни аэропортлар бўйича тўғри тақсимлаш;

чартер рейсларини келишиш механизмини соддалаштириш;

мамлакатдаги айрим аэропортларда "Очиқ осмон" режимини жорий этиш;

маҳаллий авиакомпаниялар ташкил этилишига қўмаклашиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани қайта қўриб чиқиш;

мамлакат ичкарисида интермодал ташувларни (автобус, темир йўл ва авиаташувлар) таъминлаш учун туристларнинг транспорт ташувини янада ривожлантириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

авиакомпаниялар харажатларини камайтириш ва истеъмолчилар учун авиачипталар нархини оптималлаштириш;

мамлакат вилоятлари ўртасидаги ички авиаташувлар йўналишлари сонини қўлайлаштириш;

хорижий етказиб берувчилардан авиакеросин сотиб олиш механизмини харид жараёнида шаффофлик ва рақобатни таъминлаган ҳолда такомиллаштириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Автомо-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Янги меҳмонхонани куриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилансинки, дунёнинг танитиш ва нуфузли меҳмонхона брендларидан (меҳмонхона брендларининг топ-50 рейтингига қўра) фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотлар учун роялти франчайзинг тўғрисидаги шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан қуйдаги ҳажмда қисман молиялаштирилади:

дастлабки 50 та 3 юлдузли тоифага эга меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентига;

дастлабки 30 та 4 юлдузли тоифага эга меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентига.

Бунда ташкилотлар учун роялтини молиялаштиришнинг умумий ҳажми қўли билан 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлади.

6. Қўнучиликка биноан меҳмонхона хизматлари яшаш жойи (прописка), фуқаролик, жисмоний шахсларнинг қариндошлик ва никоҳ муносабатлари, шунингдек шахсий ҳаёт ҳуқуқини чекловчи бошқа омиллардан қатъи назар кўрсатилган лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки: хостелларни меҳмон уйлари ва хостеллар реестрига ўрнатилган тартибда кириш талабини белгиланган ҳолда хостелларнинг меҳмонхона хизматини мажбурий сертификатлаш талаби бекор қилинади;

ҳудудда туризм инфратузил-

маси объектлари, шу жумладан, жойлаштириш воситалари жойлашган ёки барпо этиладиган моддий маданий мерос объектлари ўттиз йилга, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага берилади. Бунда ижарачилар беш йиллик ижара ҳақида тенг миқдорни ўзлари жойлашган моддий маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилишга йўналтириш ҳамда моддий маданий мерос объектларини сақлаш қоидаларига риоя қилиш шарти билан дастлабки беш йил учун ижара ҳақи тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кичик тадбиркорлик субъектларига туризм инфратузилмаси объектлари, меҳмонхоналар ва санитар-гигиеник шохобчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим қилилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги туризм лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019-2021 йиллар давомида ҳар йили 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 5 миллион АҚШ доллари эквивалентига пул маблағларини ўтказиб босин.

9. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига намунавий, шу жумладан, тармоқли лойиҳалар асосида замонавий санитар-гигиеник шохобчаларни куриш учун 80-100 квадрат метр ўлчамда ер участкаларини электрон аукционга қўймасдан олиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг иттимосномасига қўра устуворлик ҳуқуқи тақдим этилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлашти-

рилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уларнинг негизда меҳмонхоналар ташкил этиш учун фойдаланилмайётган давлат мулки объектларини шакллантириш;

икки ҳафта муддатда тегишли ҳудудда куриллаётган ва реконструкция қилинаётган меҳмонхоналарни инвентаризациядан ўтказсин;

бир ой муддатда ўтказилган инвентаризация ва ўрганишлар аяқлари асосида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ ер участкаларини ажратиш ва фойдаланилмайётган давлат мулки объектлари рўйхатини, уларга муҳандислик коммуникацияларининг этиб борганлиги даражасидан келиб чиқиб тоифаларга (тўлиқ, қисман таъминланган ва муҳандислик коммуникациялари мавжуд бўлмаган) ажратилган ҳолда шакллантиришни ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ахборот майдонларида ва сайтларида жойлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қуриш вазирлиги билан биргаликда ер участкалари ва давлат мулки объектларининг тақдимот (планшет)ни тайёрлашни, лойиҳалар рўйхатини батафсил маълумот билан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг сайтига ("invest.gov.uz") жойлаштиришни таъминласин;

инвесторлар томонидан меҳмонхона куриш учун ер участкалари ва давлат мулки объектларини "E-IRO AUCTION" электрон савдо

майдонидан аукционга қўйилишини таъминласин;

ҳар чорақда сотилмаган ер участкалари ва давлат мулки объектлари рўйхатига уларни инвесторлар учун жозибадор бошқа ер участкаларига алмаштириш орқали ўзгартиришлар киритиб босин;

ҳар йили хостеллар ва меҳмон уйлари билан ташкил қилиш дастурини тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуриш вазирлиги билан биргаликда шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда республиканинг ҳар бир йирик шаҳрида хостеллар ва меҳмон уйлари тармоғининг мавжуд бўлишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда инвесторларни излашни амалга оширсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки йил давомида инвесторлар томонидан замонавий талабларга жавоб берадиган, санитар-гигиеник шохобчаларга эга савдо нукталари ва туризм инфратузилма объектларининг ягона тармоғини куриш, бунда уларни биринчи навбатда кўп ташриф буюрадиган туризм намойишчи объектлари ва туризм маршрутлари ўтадиган автомагистраллар ёқасида жойлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

11. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилояти ҳокимликлари Маданият вазирлиги, Қуриш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия билан биргаликда Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва Хива шаҳарларининг тарихий ва қўриқланадиган ҳудудларида режалаштирилган бино ва иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси маркази билан аввалдан келишсин.

12. Қуйдагиларга: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига – меҳмонхоналар

куриш учун ер участкаларини ўз вақтида ажратиш, инвесторлар аризасига асосан уларни зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарлари зиммасига – Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда хорижий инвесторларни излаш ва жалб қилиш, шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тегишли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида амалий ёрдам беришнинг самарали таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Қуйдагиларга: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан меҳмонхона курилиши учун ер майдонларининг ўз вақтида ажратилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов зиммасига – тижорат банклари томонидан кредит маблағларининг ўз вақтида ажратилиши, инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклансин.

14. Белгиланган тартибда шакллантирилаётган рўйхатга мувофиқ 2022 йилнинг 1 январига қадар олиб кириладиган, туристлар ташриф буюрадиган жойларга ўрнатилмадиган антивандал санитария-гигиена шохобчалари, шунингдек, моддий маданий мерос объектлари, музейлар, театрлар, галереялар ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, ҳижозлар, турникетлар, дастурий таъминот, тўлов-маълумот терминналари, видеокузатув тизимлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

Давлат солиқ қўмитаси Давлат

божхона қўмитаси билан биргаликда ушбу қарор доирасида олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Белгилансинки, товарлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Давлат бюджетига ундириб олинади.

15. Қуйдагиларга:

а) меҳмонхоналар олиши керак бўлган:

меҳмонхонага тегишли бўлган ва унинг ичида жойлашган алко-голь маҳсулотлари сотуви билан шуғулланадиган ҳар бир чакана савдо нукталари ва умумий овқатланиш объектлари (бар, мини-бар, кафе, ресторан) учун олдидан рухсат гувоҳномаси;

аэропортдан, темир йўл/авто-йўл вокзалларидан меҳмонхонага ва ундан қайтишга, шунингдек, туризм объектларига ўзининг ижара-чиларига транспорт хизматларини кўрсатиш учун лицензия;

б) шаҳар ва шаҳарларо

йўловчи ташувчи тадбиркорлик субъектларидан маҳаллий ва хорижий фуқароларга мамлакат бўйлаб номунотазам, шаҳарларо йўловчи ташув учун тегишли лицензияга эга автобус ёки кичик автобус хизматларини кўрсатиш учун қўшимча лицензия олиш талаблари бекор қилинсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ижтимоий реклама шарт билан мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишга оид ташқи реклама жойлаштирилиши учун ҳар бир туманда учтадан кам бўлмаган, шаҳарларда бештадан кам бўлмаган жойлар ажратилиши ва қўйилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

билъ транспорт агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда рейсларни (автобус, авиа ва темир йўл) қўлай тарзда боғловчи йўл чипталарини сотишни назарда тутувчи республика транспорт тизимининг ягона электрон порталини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизми асосида ташкил этсин ҳамда унинг ишлаш тартибини белгиласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўнучиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиришга қаратилган нашрлар ва тематик дастурларни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

судьялик лавозимларига ном-
зодлар стажировка ўташининг
сифат жиҳатдан янги тизимини
ташkil этиш, шу жумладан, ил-
мий-тадқиқот фаолияти ва ўқув
жараёни билан узвий боғлиқлиги-
ни таъминлаш;

иш юритиш ва танқидий тах-
лил қилиш, инновацион педагогик
ва ахборот-коммуникация техно-
логиялардан фойдаланган ҳолда
асосланган қарорлар қабул қилиш
кўникмаларини ривожлантиради-
ган интерфасл ўқитиш услублари-
ни таълим жараёнига жорий этиш;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни қонунчиликдаги дол-
зарб янгиликлар, мамлакатимиз
ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш
амалиёти ҳамда норма ижодкор-
лиги фаолияти ҳолати ва тенден-
циялари билан таништириш.

2. 2019 йил 10 январдан бош-
лаб қуйидаги тартиб жорий этил-
син:

судьялик фаолиятини амалга
ошириш ва судлар ишини та-
шил этиш, касбий этика, ишчанлик
мулоқоти ва вақтини бошқариш
кўникмаларини ўқитишга, суд
кадрларининг илмий-таҳлилий ва
креатив салоҳиятини шаклланти-
ришга қаратилган, грант асосида
судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш курсларида
бир йиллик магистратура таълим
дастури буйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини
эгаллаш учун юқори малакали ка-
дрларни тайёрлаш;

касбий билимларни чуқур-
лаштириш ва суд маъмуриятчи-
лигини юритиш кўникмаларини
эгаллашга, шунингдек, иш ва
бошқаруви ташил этишининг ин-
новацион шакл ва услубларини
ўзлаштиришга қаратилган, даво-
мийлиги икки ой бўлган, раҳбар-
лик лавозимларини эгаллаш учун
захирада бўлган судьяларни қай-
та тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликлар-
нинг мазмун ва моҳиятини етқа-
зишга, касбий, жумладан, ҳуқуқ
нормаларини шарҳлаш ва қўллаш
масалаларига доир кўникма ва қо-
билиятларни такомиллаштиришга
қаратилган, давомийлиги икки
ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар
ва судлар аппарати ходимлари
малакасини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:
судьялик лавозимларига ном-
зодларни қабул қилиш 2019/2020
ўқув йилидан бошлаб фақат
судьялик лавозими захирасида
бўлган шахслар орасидан тан-
лов асосида Ўзбекистон Респу-
бликаси Судьялар олий кенгаши
томонидан Ўзбекистон Республи-
каси Олий суди билан биргаликда

белгиланадиган квоталар бўйича
амалга оширилади;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш курсларига
қабул қилинган шахслар асосий
иш жойи бўйича лавозимдан
озод қилинади, бироқ уларнинг
эгаллаган лавозими бутун ўқиш
даври мобайнида сақланади;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш курслари
тингловчиларига судья ёрдамчи-
сининг бир ойлик меҳнатига ҳақ
тўлаш фонди миқдориди стипен-
дия тўланади;

судьялар ва судлар аппарати
ходимларининг малакасини оши-
риш Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг бюртмаси асоси-
да амалга оширилади;

қайта тайёрлаш ва малака
ошириш курслари тингловчилари-
га ўқиш давомида асосий иш жойи
бўйича эгаллаб турган лавозими
ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлана-
ди.

4. Белгилаб қўйилсинки:
судьялик лавозимларига 2020
йил 1 сентябрдан бошлаб фақат
судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш курсларида
ўқишни муваффақиятли тамомла-
ган шахслар тайинланади;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш курсларида
ўқиш дастурини бажармаган ёки
таклиф этилган судьялик лавози-
мини эгаллашни рад этган тинг-
ловчилар ўқиш даврида олинган
стипендия суммасини Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюдже-
тига тўлиқ миқдорда қоплаб бера-
ди.

Судьяларни дастлабки муди-
ратга тайинлашнинг амалдаги
тартиби 2019/2020 ўқув йили ту-
гунга қадар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши, Олий
суди ва Адлия вазирлигининг:
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузури-
даги Одил судлов муаммоларини
ўрганиш тадқиқот маркази неги-
зида Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузури-
даги Судьялар олий мактаби (ке-
йинги ўринларда – Олий мактаб)
ни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ад-
лия вазирлиги ҳузуридаги Юрист-
лар малакасини ошириш мар-
казининг 12 та штат бирлигини
Олий мактабга ўтказиш ҳақидаги
таклифларни маъқуллансин.

Белгилансинки, Олий мактаб
судьялик лавозимларига номзод-
ларни тайёрлаш, судьялар ва суд-
лар аппарати ходимларини қайта
тайёрлаш, уларнинг малакасини
оширишга амалга оширувчи дав-
лат таълим ва илмий-тадқиқот му-

ассасаси ҳисобланади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Олий мактаб Ўзбекистон Рес-
публикаси Судьялар олий кен-
гаши ҳузуридаги Одил судлов
муаммоларини ўрганиш тадқиқот
марказининг ҳуқуқ ва мажбурият-
лари бўйича ҳуқуқий вориси
ҳисобланади;

Олий мактабга Ўзбекистон
Республикаси Судьялар олий кен-
гаши раисининг тақдимномасига
асосан Ўзбекистон Республикаси
Президенти томонидан лавозимга
тайинланадиган ва лавозимдан
озод этиладиган директор раҳбар-
лик қилади;

Олий мактаб директори
меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағ-
батлантириш, тиббий ва транс-
порт таъминоти шарт-шароитлари
бўйича Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг биринчи
ўринбосарига, Олий мактаб ди-
ректорининг ўринбосарлари – Ўз-
бекистон Республикаси Олий суди
раисининг ўринбосарига тенг-
лаштирилади;

Олий мактаб директори лаво-
зими бўйича бир вақтнинг ўзида
Ўзбекистон Республикаси Судья-
лар олий кенгашининг жамоатчи-
лик асосидаги аъзоси ҳисоблана-
ди;

Олий мактаб профессор-ўқи-
тувчилар таркибига Ўзбекистон
Республикаси Олий суди судья-
лари учун, Олий мактабнинг
бошқа ходимларига Ўзбекистон
Республикаси Олий суди аппара-
ти ходимлари учун белгиланган
меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий
рағбатлантириш шартлари татбиқ
этилади;

Олий мактабнинг махсус ун-
вонлар ва мансаб даражаларига
эга бўлган ходимларига Ўзбекис-
тон Республикаси Олий суди учун
белгиланган тартибда махсус
унвонлар ва мансаб даражаля-
ри берилади, кўп йиллик хизмат-
лари учун устамалар ва қўшимча
тўловлар тўланади, ушбу шахс-
ларнинг Олий мактабда ишлаган
даври махсус унвонлар ва мансаб
даражаларини олиш учун зарур
бўлган иш стажига қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раисига
Олий мактаб ходимларига махсус
унвонлар ва мансаб даражалари
бериш ҳуқуқи берилади;

Олий мактабда ишга жалб қи-
линган ва малака даражаларига
эга бўлган судьялар ва уларга тенг-
лаштирилган шахсларда судья
мақоми, барча устамалар ва қў-
шимча тўловлар, имтиёзлар ҳамда
тиббий таъминот шартлоилари
сақлаб қолинади;

судьялар ва уларга тенглашти-
рилган шахслар орасидан ишга

қабул қилинган ходимларнинг
Олий мактабда ишлаган вақти
судьялик стажига қўйилади.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Су-
дьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг уста-
ви 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Су-
дьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг про-
фессор-ўқитувчилар таркиби ва
бошқарув ходимлари чекланган
сони 36 кишидан иборат тузилма-
си 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Су-
дьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг штат
жадвали 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Су-
дьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг штат
жадвали 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Су-
дьялар олий кенгаши ҳузури-
даги Судьялар олий мактабининг
самарали фаолиятини таъмин-
лаш ва моддий-техник базасини
мустаҳкамлаш бўйича “Йўл ха-
ритаси” 5-иловага мувофиқ тас-
диқлансин.

Олий мактаб директорига
Олий мактабининг тасдиқланган
тузилмасига ходимлар белгилан-
ган чекланган сон ва меҳнатга
ҳақ тўлаш фонди доирасида ўз-
гартаришлар киритиш ҳуқуқи бе-
рилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ва Олий
суди зиммасига қонун ҳужжатла-
рида назарда тутилган вазифа-
ларни бажариш билан бир қатор-
да қуйидаги устувор масалаларда
Олий мактабни ҳар томонлама
ривожлантиришга қўмаклашиш
юклансин;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш, судьялар
ва судлар аппарати ходимлари-
нинг малакасини ошириш бўйича
ўқув режаларини (дастурларини)
ишлаб чиқиш, замонавий таълим
технологияларини жорий этиш;

Олий мактаб тингловчилари
стажировка ўташи учун зарур ша-
роитларни яратиш;
илмий ишланмалар натижаля-
рини қонун ижодкорлиги фаолия-
ти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига
жорий этиш;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш, судьялар
ва судлар аппарати ходимларининг
малакасини ошириш ҳоҳсида
халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш
ва ривожлантириш;

Олий мактаб фаолиятини таъ-
минлаш ва ривожлантириш учун
бюджетдан ташқари маблағлар,
хайрия бадалларини жалб этиш.

9. Олий мактабда бюджет
муассасалари ва ташкилотлари
ходимларини моддий рағбатлан-
тириш махсус жамғармаси билан
бирга Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджети маблағлари ҳисо-
бидан Бошқарув, профессор-ўқи-
тувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи,
техник ва хизмат кўрсатувчи хо-
димларни моддий рағбатланти-
риш махсус жамғармаси (кейинги
ўринларда – Махсус жамғарма)
уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш
фондининг 50 фоизигача миқдор-
да ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:
Махсус жамғарма маблағла-
ри Олий мактаб директорининг
қарорига қўра бошқарув, про-
фессор-ўқитувчилар, илмий,
ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат
кўрсатувчи ходимларга тариф
ставкасининг 100 фоизигача миқ-
дорда ҳар ойлик устамалар белги-
лашга йўналтирилади;

Махсус жамғарма маблағла-
рини шакллантириш ва улардан
фойдаланиш тартиби, шунингдек,
Олий мактаб ходимларига ҳар
ойлик устамалар белгилаш ме-
зонлари Ўзбекистон Республика-
си Судьялар олий кенгаши билан
келишилган ҳолда Олий мактаб
кенгаши томонидан белгиланади.

10. Қуйидагилар Олий мак-
таб фаолиятини молиялаштириш
манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Дав-
лат бюджети маблағлари;

Олий мактаб томонидан шарт-
нома асосида бажариладиган ил-
мий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий
ишлар, таълим ва бошқа хизмат-
лардан тушадиган тушумлар;

хорижий ва халқаро ташкилот-
ларнинг грантлари;
жисмоний ва юридик шахслар-
нинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқлан-
маган бошқа манбалар.

11. Олий мактабга судьялар,
ҳуқуқни муҳофаз қилувчи ор-
ганлар ходимлари, адвокатлар,
илмий-тадқиқот ва олий таълим
муассасалари, вазирликлар, идо-
ралар мутахассислари ва бошқа
мутахассисларни ўриндошлик
тартибда ёки меҳнатга соатбай
ҳақ тўлаш шартларида педаго-
гик фаолиятни амалга оширишга
жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Жалб этиладиган мутахас-
сисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш
миқдорлари Ўзбекистон Респу-
бликаси Судьялар олий кенгаши
томонидан белгиланади.

12. Судьялар олий кенгаши ва
Олий мактаб уч ой муддатда:

Олий мактабга қабул қилиш ва
ўқитишни ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқла-
син, хусусан, унда тингловчилар-

нинг ахборот-коммуникация тех-
нологиялари ва чет тилларини
билиш кўникмалари мавжудлиги
зарурий талаб эканлиги назарда
тутилсин;

судьялик лавозимларига ном-
зодларни тайёрлаш, судьялар ва
судлар аппарати ходимларини
билиш кўникмалари мавжудлиги
зарурий талаб эканлиги назарда
тутилсин;

Олий суди билан биргаликда
Олий мактабни ўқитишнинг замо-
навий шакл ва услубларини қўл-
лаш кўникмаларига, амалий иш
тажрибасига эга бўлган, биринчи
навбатда, қайта ташкил этилаёт-
ган Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузури-
даги Одил судлов муаммоларини
ўрганиш тадқиқот маркази хо-
димлари ва Адлия вазирлиги ҳу-
зуридаги Юристлар малакасини
ошириш маркази ўтказилган штат
бирликларидаги ходимлар ора-
сидан малакали кадрлар билан
тўлдирсин.

13. Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги Олий мактаб ва
Ўзбекистон Республикаси Судья-
лар олий кенгашининг асослан-
тирилган ҳисоб-китоблари бўйича
2019 йил учун Ўзбекистон Респу-
бликаси Давлат бюджети хара-
жатлари параметрларига мазкур
қарордан келиб чиқиб, тегишли
ўзгартаришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги:
ўқитувчилар ва тингловчилар-
нинг етакчи хорижий таълим ва
илмий муассасаларда малака
ошириш курсларини ўтиши, ста-
жировка ўташи ва ўқишда Олий
мактабга қўмаклашиш;

Олий мактабнинг бюртмала-
ри бўйича Олий мактабнинг ўқув
ва илмий жараёнида иштирок
этувчи хорижий мутахассислар,
профессор-ўқитувчилар таркиби
ва илмий ходимларга консултик
ва бошқа йиғимларни ундир-
масдан кириш визалари белги-
ланган тартибда расмийлаштири-
лишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республи-
каси Ички ишлар вазирлиги
Олий мактабнинг бюртмалари
бўйича Олий мактабнинг ўқув
ва илмий жараёнида иштирок
этувчи хорижий мутахассислар,
профессор-ўқитувчилар тарки-
би ва илмий ходимларга давлат
божи ундирмасдан белгиланган
тартибда кўп марталик кириш ви-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎИжтимоий ҳимоя

Тошкент вилоятида жисмоний имконияти чекланган
аъзолари бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож 100 оилага
янги уйлар қалити топширилди.

Яна 100 оила ўз уй-жойига эга бўлди

Шу муносабат билан Зангиота
туманида ташкил этилган танта-
нали тадбирда вилоят ҳокимлиги
масъуллари, давлат ва жамоат
ташкилотлари вакиллари, кам
таъминланган оилалар аъзолари
иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳолининг
эҳтиёжманд қатлами, хусусан,
жисмоний имконияти чекланган
фуқаролар, кам таъминланган
оила вакиллари, айниқса, ушбу
тоифадаги аёлларни ҳар томон-
лама қўллаб-қувватлаш, уларни
имтиёзли уй-жой билан таъмин-
лаш, меҳнат қилишга имконият
яратиш борасида тизимли ишлар
амалга оширилаётгани таъкид-
ланди.

Президентимизнинг 2017
йил 1 декабрдаги “Ноғиронлиги
бўлган шахсларни давлат томо-
нидан қўллаб-қувватлаш тизи-
мини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги
фармони ҳамда Вазирлар Маҳма-
масининг 2018 йил 12 апрелдаги
“Оғир ижтимоий вазиятга тушиб
қолган хотин-қизларга, ноғиро-
лиги бўлган, кам таъминланган,
фарзандларини тўлкисиз оилалар
тарбиялаётган ва уй-жой шарио-
тини яхшилашга муҳтож оналарга
арзон уй-жойлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

ҳақида”ги қарори бу борадаги
ишлар қўламини кенгайтиришда
муҳим дастурий аҳамият бўлиб хиз-
мат қилмоқда.

– 2018 йилда вилоятда жисмо-
ний имконияти чекланган, боқув-
чисини йўқотган, эҳтиёжманд 300
га яқин оилага уй-жой берилди,
– дейди Тошкент вилояти ҳокими
ўринбосари, хотин-қизлар қўма-
таси раиси Озода Парпибоева.

– Шунингдек, ноғиронлиги бўл-
ган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож
фуқароларга 1 минг 90 та ноғи-
ронлик аравачаси, 130 га яқин
эшитиш аппарати, 1 минг 800 дан
ортиқ протез-ортотези мосла-
малари берилди. Оғир операция
учун 25 нафарига моддий ёрдам
ажратилди.

Тадбирда вилоятнинг туман
ва шаҳарларида истиқомат қила-
ётган 100 нафар уй-жойга муҳтож,
ноғиронлиги бўлган оилаларга
янги уйлар қалити топширилди.
Шунингдек, байрам дастурхони
ёзилди, концерт дастури намо-
иши этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Респу-
бликаси Бош вазирининг ўринбоса-
ри, Республика Хотин-қизлар қў-
митаси раиси Танзила Норбоева
сўзга чиқди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўза мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

Маҳаммадхон Холматов,
Абдували Абдулҳакимов каби
тажрибали анорчилик ўз фар-
зандларига, қишлоқ ёшларига
тўплаган тажрибаларини амалий
иш орқали ўргата бошлади.

“Қува анори” агрофирмаси
худудида 450 гектар анорзор
бор ва унга 300 та фермер қа-
райди. Агрофирма ҳудудиди
“Нур Исомбек Баҳодир”, “Аб-
дулҳамид Қудрат”, “Баҳор Али-
хонтура”, “Исмоил Дониёр” каби
анорчилик фермер ҳўжаликлари
эса салмоқли даромадга эга
бўлди.

– Президентимиз вилояти-
мизга таширф буюриб, бунёд-
корлик ишлари, йирик лойиҳа-
лар билан танишиш ва халқ
билан мулоқот қилиш жараё-
нида Фарғонанинг эртанги кун
истiqболли билан боғлиқ қўллаб
эзгу ташаббусларини илгари
сурган эди, – дейди “Фарғона
анорчилик” агрофирмаси раҳ-
бари Мастурахон Сайфуддино-
ва. – Юртбошимизнинг таширф
доирасида бизнинг агрофир-
мамиз фаолияти билан таниш-
ганлари бежиз эмас. Боиси,
мамлакатимиз тараққиётининг
янги босқичида вилоятимизда
бодғорчиликни ривожлантириш,
мева-сабзавотлар экспортини
амалга ошириш мақсадида йў-
лаб истиқболли лойиҳалар ҳаёт-
га татбиқ этилиб, бу борада сал-
моқли уюшларга эришилмоқда.
Айни кунларда таширф доира-
сида белгиланган чора-тадбир-
лар режаси асосида агрофир-

Фарғонада анорзорлар кенгайди

мамизда янги анор навларини
яратиш, вилоятимизнинг барча
шаҳар-туманларида анорзорлар
барпо этишга алоҳида эътибор
қаратиляпти.

Махсус режа ишлаб чиқилган
бўлиб, унга қўра, вилоят ҳоким-
лиги кўмағида шаҳар-туманлар-
да бир йилнинг ўзида 5 минг гек-
тар янги анорзорлар ташкил этиш
бўйича изчил савй-ҳаракатлар
олиб борилмоқда. Вилоят ҳоки-
ми Шухрат Ғаниев, вилоят ҳоки-
мининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги
масалалари бўйича ўринбосари
Шухрат Тешаев, шаҳар-туман-
лар ҳокимлари, қишлоқ ҳўжали-
ги ҳосаси олимлари ва мутахас-
сислари иштирокида жойларда
амалий семинарлар ўткази-
ляпти. Янги анорзорлар ташкил
этишга бағишлаб ўтказилган
ўндан ортиқ шаҳар-туманлар-
даги семинарлар давомида
анор етиштириш, сақлаш, қайта
ишлаш, тайёр маҳсулотларни
экспорт қилиш ва экотуризмни
йўлга қўйишнинг истиқболлар
хусусида амалий тавсиялар бе-
рилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, “Фарғона
анорчилик” агрофирмаси қоши-
да “Фарғона анорчилик макта-

би” фаолияти йўлга қўйилди.
Фарғона давлат университетини
профессор-ўқитувчилари ҳамда
агрофирма мутахассислари
ҳамкорлигида бу ерда тармоқда
янги иш бошлаётганлар учун
амалий семинарлар ташкил
этиляпти.

– Ҳозирги кунда 2 гектар
анорзоримиздан мўл ҳосил
етиштириб, Россияга экспорт
қилмоқдамиз, – дейди Қува ту-
манидаги “Роҳатой” фермер
ҳўжалиги раҳбари Авазбек Те-
шаев. – Эзгу ташаббуслар-
дан руҳланган ҳолда туманинг
қир-аҳдир ерларидаги қаровсиз
15 гектар ерда ўз маблағи-
миз ҳисобидан анорзор барпо
этишни режалаштирляпмиз. Шу
мақсадда туман ҳокимлигига
фермер ҳўжалигимиз номидан
ариза тақдим этдик. Аслида ту-
манимиз қир-адирларида юзлаб
гектар ўзлаштирилмай ётган
бўш ерлар мавжуд. Бу жойларда
анорчилик, пистачиликни ривож-
лантириш, ёнғоқзорлар ташкил
этиш мумкин.

Олтириқ туманида 380 гек-
тар ерда анорзорлар барпо
этишга киришилди. Бунинг учун
“Фарғона анорчилик” агрофир-

масидан шартнома асосида 387
минг

Зарарли хасва вояга етган ҳолда, асосан, тоғ, тоғолди ҳудудларида, дала атрофларида, ариқ, зовур ёқаларида, тошлар ёки ўсимлик қолдиқлари ва барг хазонлари остида қишлайди. Ҳаво ҳарорати ўртача 10-12 даражага етганида ёки қишлов жойининг ҳарорати 17 даража бўлганида учиб, тарқала бошлайди. Бу, майсанинг тулланиш даврига тўғри келади. Хасва тухум қўйишга тайёр бўлиши учун қўшимча озикланиши шарт.

билан озикланади. Катта ёшдаги хасва ҳам, личинкалари ҳам жиддий зарар келтиради. Бошоқланиш даврида паяларнинг зарарланиши натижасида яхши ривожланмайдиган ва бошоқлар пуч бўлиб қолади. Пишмаган бошоқ зарарланиши натижасида эса қисман ёки бутунлай пуч бўлиб қолади, дон таркибидagi оқсил камайиб кетади. Хасва зарарлаган пайкалардан олинган уруғлик доннинг униб чиқиши 50 фоизгача камайдиган.

Ғаллазорларни зарарли хас-



Зарарли хасва – ҳосил кушандаси

у бугдойзорларга жиддий зарар келтириши мумкин

Шу сабабли, далага учиб келиши билан қўшимча озикланади. Об-ҳавонинг кескин пасайиши ёки ёгингарчиликнинг кўп бўлиши натижасида хасванинг тарқалиши ҳамда озикланиши тўхтаб, у ўсимлиكنинг остки қисмига яшириниб олади. Ҳарорат кўтарилиши билан эса озикланиши давом эттиради. Ёлпасига ғаллазорларга учиб ўтишни бошлаганидан 7-15 кун ўтган, ургочилари тухум қўя бошлайди. Об-ҳаво ҳароратининг ўзгариши қараб 15-20 кун ичида тухум қўйиши тугаллайди. Ҳаво ҳарорати паст ёки ёгингарчилик кўп бўлса, тухум қўйиш даври 40 кунгача давом этиши мумкин. Ургочилари тухумини ғалла баргининг остки қисмига, ўсимлиكنинг танасига қўяди. Тухумларни одатда 14 тадан, баъзи ҳолларда 13 тадан икки қатор қилиб жойлаштиради. Битта ургочиси 200 тагача тухум қўйиши мумкин.

Личинкаларининг 2-4 ёшларга ўтиши бугдойнинг сут пишиш даврига тўғри келади. Бу даврда улар бошоқча чиқиб, уни сўриб за-

рарлайди. Куннинг иссиқ вақтлари ҳамда бир ёшдан кейинги ёшга пўст ташлаб ўтишда улар бошоқдан ўсимлиكنинг остки қисмига тушади. Бу ҳолат хасва зичлигини аниқлаш ва унга қарши кимёвий кураш чораларини олиб бориш даврида муҳим аҳамиятга эга. Ҳаво ҳароратига қараб личинкаларнинг ривожланиши 25 кундан 50 кунгача давом этиши мумкин. Бешинчи мартаба пўст ташлаганидан кейин ёш хасва имаголари пайдо бўлади. Бу ёшдаги хасвалар қишловга кетиш мақсадида, танасига етарли миқдорда ёғ моддасини тўплаш учун жуда кўп дон шираси

вадан ҳимоя қилишда чидамли навларни экиш, бугдойни бегона ўтлар уруғлари аралашмаларидан тозалаш, уруғлик доннинг сифатини ошириш катта аҳамиятга эга.

Кузги бугдойни эрта баҳорда озиклантириш паяларининг шаклланишини тезлаштириш ҳамда бошоқланиш фазасида азотли ўғитлар ўсимликдаги модда алмашинуви тезлаштириш ва клейковина миқдорини оширади.

Бугдойни тез ва қисқа муддатда ўриб олиш зараркунандаги қарши курашнинг муҳим омилларидан биридир. Ғалла қўп вақт ўрилмасдан туриб қолса, зарар-

кундаларнинг озикланиш даври узаяди, бу эса дон сифатини пастайтиради. Бундан ташқари, тўйиб озикланган зараркунанда қишлоқдан яхши чиқиб, келгуси йил яна таҳдид солади.

Зарарли хасвага қарши курашда ерга тўғри ишлов бериш, юқори сифатли уруғ танлаш, экишнинг оптимал муддатлари ва усуллари, экиш меъёри ва чуқурлигини сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатда зарарли хасванинг энтомофаглари унинг танасида ривожланувчи фазия пашшаси личинкаси, тухумхўр теленомуслар ҳамда кўпгина кушлар хи-

сбланади.

Зараркундаларнинг оммавий қўлайиб кетишини чегаралаб турадиган омиллардан бири касаллик қўзғатувчи микроорганизмлардир. Зарарли хасвага қарши микробиологик усуллари ишлаб чиқишда табиатдан энтомопатоген микроорганизмларни қидириб топиш, уларни ажратиш ва таъсирчанлигини ўрганиб келгусида шулар асосида микробиологик препаратлар тайёрлаш зарур.

Зарарли хасвага қарши кимёвий препаратларни қўллаш асосий кураш чораларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай чоралар, бугдойзордаги зарарли хасва сони иқтисодий зарар етказиш меъёридан ошганида олиб борилади. Буни аниқлаш учун бугдойнинг тулланиш давридан бошлаб ҳар 5-7 кунда ғаллазорларда назорат ишлари ўтказилиши шарт. Хасва борлиги аниқланган даладан 20 та намуна олиниб, ҳисоб ўтказилади.

Кимёвий препаратларни ишлаш вақтида трактор пуракагичларининг соз бўлиши катта аҳамиятга эга. Ишчи суяқлики тайёрлашда пуракагич бакига 30-40 фоиз сув қўйилиб, ундан сўнг кераклик миқдордаги препарат солинади ва бак охиригача сув билан тўлдирилади. Ишлов давомида ўсимлиكنинг бўйига қараб, гектарига 200-300 литр ишчи суяқлиги сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Ишчи эритма бир текисда пуракага, унинг самардорлиги янада ошади.

Фарҳод САМИГОВ,

“Тошкент юксарой” Ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани Манғит шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида янгида қад ростлаган замонавий ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

Манғитда замонавий болалар сув спорти саройи



Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси томонидан барпо қилинган ҳудуддаги ушбу объектнинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, ёшлар, журналистлар иштирок этди.

Мутахассисларнинг фикрича, сузиш инсон организми учун гоёат фойдали. Бу жараёнда танадаги барча мушаклар фаол ҳаракат қилади, чиққади. Натижада қон айланиш тизими яхшиланади. Сузиш, айниқса, ёш организмга қувват беради, иммунитетни мустаҳкамлайди. Сувда сузган кишининг асаблари тинчланиб, кайфияти кўтарилади. Шу боис, 2017-2021 йилларда биргина Қорақалпоғистон Республикасининг 11 та туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари қошида ёпиқ сув ҳавзаларини янгида куриш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги тегшли қарори асосида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг манзили дастурига Қорақалпоғистон учун 5 та объект киритилган эди. Ушбу ҳужжат асосида Қораўзақ, Чимбой, Ўзликчалар туманлари ва Нукус шаҳрида замонавий ёпиқ сув ҳавзалари курилди.

Амударё туманида 2018 йил июнь ойида бошланган ушбу объект қисқа муддатларда сифатли куриб битказилди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ўринбосари Қасимов Раймон. – Ушбу ёпиқ сув ҳавзасининг смета баҳоси 4 миллиард 876 миллион сўм. Объектда 11х25 метр ўлчамдаги сузиш ҳавзаси, мураббий ва шуғулланувчилар учун ювиниш, кийиниш, дам олиш хоналари ҳамда томошабинлар учун ўриндиқлар мавжуд.

Мазкур сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилиши туман ёшлари учун қувончли воқеа бўлди. Эндиликда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сузиш тўғрисида ташкил этилиб, ҳудудда сув спорти турларини омалаштириш, ёшларнинг соғлом ўлғайиши учун янада кенг шароит яратилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Д.Набиев иштирок этди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
ЎЗА мухбири.

Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари учун ўқув машғулоти бошланди. Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари Тошкент давлат аграр университетида ҳозир бўлишди.

Ўқув машғулоти бошланди

Ўқув машғулоти Тошкент давлат аграр университети ректори, академик Ботиржон Сулаймонов кириш сўзи билан очиб берди. Тингловчиларга ҳудудларда тегшли соҳаларни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ҳимоя қилиш”га оид талаблар, шунингдек, аграр соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар берилди. Тадбирда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари ҳам сўзга чиқиб, аграр соҳада эришилаётган ютуқларни эътироф этган ҳолда ечимли кутавтган масалалар ҳусусида ўзларининг таклифларини билдиришди.

Республика бўйлаб ўтказилаётган ўқув машғулотида жами 159 нафар соҳа мутасаддилари иштирок этиши режалаштирилган. Ўқув машғулотида Президентимиз томонидан мамлакатимизда қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида белгилаб берилган долзарб вазифаларни жорий қилиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан

самарали фойдаланиш ҳолати мониторингини ташкил этиш тартиби ва бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш каби масалалар қўриб чиқилапти.

Бундан ташқари, ўқув машғулотида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқириш, бўйича замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантиришда мева-даларат қўчатларини интенсив технологиялар асосида тайёрлаш, экиш ҳамда етиштириш технологиясини жорий қилиш ўрганилмоқда. Шунингдек, сабзавот, картошка ва полиз экинлари селекцияси, уруғчилиги ва навларини танлаш ҳамда уларни ҳудудлар бўйича жойлаштириш, чорвачилиқда наслчилик ишлари, чорва молларини сақлаш, парвартиш ва илгор технологиялар асосида чорва маҳсулотларини етиштириш, паррандачилик ва балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам семинар кун тартибидан ўрин олган. Пахта-тўқимачилик ишлаб

чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш. Замонавий сўғриш усуллари ва технологиялари, сув ўлчаш усуллари, ерларнинг шўрланиш сабаблари ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, фермер ҳўжаликларини кредитлаш тартибидagi ўзгаришлар, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилаётган чораларни ўрганиш каби масалалар ҳам муҳокама этилмоқда. Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунчилик иқроси устидан назорат олиб бориш механизмларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиқни ташкил этиш ва режаларини тузиш каби масалалар ҳам ўрганилиб, таҳлил этилади.

Сирасини айтганда, мазкур ўқув машғулоти иштирокичиларнинг келгуси фаолиятларини самарали олиб боришларида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳадича ЎТАЕВА,

Тошкент давлат аграр университети матбуот котиби.

Реклама ва эълонлар

ТОГЛАР МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Зискаватор-поғрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-поғрузчик БЛ-750
- Занкирли зискаватор-поғрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъёмник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.

Т.:(+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент ш. Якасарой т. “Ягона дерах” маркази томонидан 18.06.2018 й.да 0008/15-11 рақам билан рўйхатдан ўтган (ИФН 303450593) “ЗООТЕХ АГРО” МЖК 5.01.2019 й.да 1-сон тизимчилик баёжиласи асосида тузилган. Давлат эълон матбуотда қўйилган оғирин бошбаш 2 ой муддатга қабул қилинади. Тел.: (90) 962-62-81.

Тошкент ш. Тошкент т. Давлат хизматлари марказини 05.09.2018 й.да 63307 реестр рақами (СТПР 305729314) билан рўйхатдан ўтган “ОМХ-ИФ” МЖКнинг преабди Тошкент ш. Улғай т. Давлат хизматлари маркази томонидан 11.05.2018 й.да 07828 реестр рақами (СТПР 30542151) билан рўйхатдан ўтган “ЛЕГНОСТАР” МЖК қўрилган мўсабати билан “ЛЕГНОСТАР” МЖКнинг барча ҳўраи мабулотлари бўйича “ОМХ-ИФ” МЖК хавобгар хизматдори.

“NEW LINE ENTERPRISE” МЖК устав фонди 2 267 771 124.13 сўм миқдоринда 1 655 405 582.77 сўм миқдорига камайтирилмоқда. Муроккаблар учун тел.: (71) 260-97-99.

“MODERN SERVICE GOLD” МЖК устав фонди 602 728 823.98 сўм миқдоринда 234 045 879.44 сўм миқдорига камайтирилмоқда. Муроккаблар учун тел.: (71) 260-97-99.

Хоразм вилояти

Урганчдан Янгигазор ва Гурлан туманларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига олиб борувчи йўлларда юк машиналарининг зидан ўзига хос эгاتлар ҳосил бўлгани, бу ердан ўтаётганда машина тезлигини энг паст даражага туширмасликнинг иложи йўқ. Акс ҳолда...

«КАТТА»ЛАР ЮРМАЙДИГАН ЙЎЛЛАР

улар қачон таъмирланади?

Гурландан Шовот туманига элтувчи йўл эса бундан беш баттар. Қўшқўпир – Хива йўлининг таъмирталаб аҳволда-лиги ҳам кундай равшан. Йўлнинг носозлигидан тез-тез бахтсиз ҳодисалар содир бўлиб туриши маҳаллий аҳолини хавотирга солиб келади.

Богот – Янгигарик – Хива йўналишидаги йўл ҳам умуман талабга жавоб бермайди.

Қишлоқларни туман маркази билан боғловчи йўлларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Жумладан, Хива атрофидаги қишлоқ йўллари анча йиллардан бери таъмир кўрмаган. Айниқса, Пишканак, Довшқ қишлоқлари ҳудудидagi ички йўлларнинг ҳаробилигини қўриб, ҳафсаланг пир бўлади.

Ҳазорасп – Урганч, Урганч – Хива магистрал йўлларининг текис ва равлонлиги ҳаммага аён. Чунки бу йўллардан “катта”лар кўп юради. Сайёҳлар ўтади. “Катта”лар юрмайдиган ички йўлларчи? Улар эътибордан четда қолмаверадими? Бу саволларга соҳа мутасаддиларидан жавоб кутиб қоламиз.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сирдарё вилояти

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Сирдарё вилоятига таширифи чоғида Сайхунбод тумани маркази – Сайхун қўғғонини ободонлаштириш, бу ерда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишини намунали йўлга қўйиш ҳақида алоҳида тавсия ва кўрсатмалар берган эди.

Янги йил янги истироҳат боғида нишонланди

Янги йил арафасида туман маркази Сайхун шаҳарчасида “Сайхун истироҳат боғи” ва “Сайхун планет” савдо маркази фойдаланишга топширилди. Уч қаватли савдо маркази, янгида барпо этилган истироҳат боғида барча қулайликлар яратилган. Ушбу иншоотларни барпо этишга тижорат банклари 7 миллиард сўмлик маблағи йўналтирилди. Сайхунбодликлар Янги йил байрамини

янги истироҳат боғида шоду хуррамликда нишонлаб, хордиқ чикардилар. Айниқса, савдо маркази расталаридан ўрин олган ноз-неъматлар, қоз-овқат маҳсулотларининг сифати, хизмат кўрсатиш даражаси барчани мамнун этди. Байрам дастурхонлари савдо марказида сотилган сархил маҳсулотлар билан безалди.

Ўз мухбиримиз

Ибрат

Моҳира момонинг ўғитлари

Ёзининг илик кўнлари. Қош қорая бошлаган чоғ. Моҳира момо секин хонасидан чиқиб, атрофга боқди. Уфққа, қўйининг боғишига бир зум қараб турди. Хаёли қишлоқга оғди. Уйини, қишлоғини соғингандай бўлди. Шу пайт ошона тарафдан келини Нозиманинг овози эшитилди:

– Солиҳа, овқатинг совимасидан егин!

Момонинг олдида невараси Солиҳа кириб келди.

– Момо, юринг, бирга чой ичамиз, – деди.

Моҳира момо неварасига маъноли қараб қўйди ва хонадон соҳиби келмасидан дастурхона ўтирилмайди, деди.

– Қўйсангизчи, аяжон, у замонлар ўтиб кетди. Ҳозир қорни очган одам танавул қилиб кетавереди, дея гапга аралашди келин. – Қўзим, инсоннинг одоби, ҳаёси бўлганидай уйнинг ҳам ўз одоби бор. – Биз болалик пайтимизда онамиздан отамизнинг қаршида ўзимизни қандай тутиш кераклигини ўрганганмиз. Уйнинг катталари гапирётган пайтда гапга аралашмасдик. Биздан катталар хонага қирганида дарров ўрнимиздан туриб, жой берардик. Боя айтганимдек, одам келмагунларича дастурхон атрофига ўтирмасдик. Бу, дастурхон одобидир, болам. Кейинги пайтда одамлар кўп нарсаларга бефарқ бўлишяпти. Масалан, кеч қирганига қарамай, кўпчилик уйининг пардаларини туширмайди, ичкари шундоқ қўрибни туради. Биз болалигимизда қош қорая бошлаши билан пардаларни ёпиб сўнгра чироқни ёқардик.

Шу пайт Нозима ўрнидан туриб, истар-истамас уйнинг пардаларини ёпди.

– Яна бир гап, уйда овқат тайёрланса, албатта, қўшилларга узатилар эди, – момо гапини давом эттирди. – Бу қўни-қўшни ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Бу удулмарнинг қадрига етайлик!

Моҳира момо гапларини оғир ботмадимикан, дея келинига бир қараб қўйди. Нозима секин ўрнидан турди-да, кечки овқатга уннай бошлади. Унинг юзиди мамнунлик ифодаси зоҳир эди.

Гулноза СОАТОВА

“Қишлоқ ҳаёти” газетаси тахририяти жамоаси газетани Хоразм вилояти бўйича собиқ мухбири Ҳолмурод ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Аграрноаҳоли комплекси
таркибидagi ҳамда шу тармоқда
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Баҳодир ЮСУПОВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадхон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Саидкамол ХОДЖАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР ҲАБИБ ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сухроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масхул котиби).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-саноат ва ҳўқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 994-57-08;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 978-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 280-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Евурорта №-125, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қўзғач бичими А-2.

Манзили: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририятнинг ўзига компьютерда терилди ва дизайнёр Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 005 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 00.20

ISSN 2010-7021